

**КИМЁТЕРАПИЯ ТАЪСИРИ НАТИЖАСИДА ИММУН ТИЗИМИ
ТЎҚИМАЛАРИ ВА ХУЖАЙРАЛАРИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН
МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР**

Расулова Нафиса Рашидовна

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Долзарблиги. Ҳозирги кунда онкологик касалликларни даволашда кенг қўлланиладиган цитостатик терапия турлари нафақат ўсма хужайраларига, балки физиологик тўқималарга ҳам салбий таъсир кўрсатиши маълум. Айниқса, иммун тизим органлари – айрисимон без, лимфа тугунлари ва суяк қўмигида юз берадиган морфологик ўзгаришлар организмнинг умумий ҳимоя имкониятларини сусайтириб, инфекцияларга қарши резистентликни пасайтиради.

Сўнгги йилларда кимётерапия самарадорлигини таъминлашда иммунологик механизмларнинг иштирокини аниқлаш масаласи фаол муҳокама қилинмоқда ва бу ҳолатни тасдиқловчи тажриба ҳамда клиник далиллар олинган. Маълумки, иммун тизими хужайралари ўсма хужайраларига қарши курашувчи муҳим таркибий қисми бўлиб, улар ёмон сифатли ўсмаларнинг шаклланиши ва тараққиётида, шунингдек, кимётерапияга нисбатан резистентликнинг ривожланишида сезиларли ўрин тутади.

Маълумки, хужайраларнинг ёмон сифатли трансформацияси генетик барқарорликни таъминловчи хужайра ичидаги назорат механизмларининг бузилиши натижасида содир бўлади. Бунга пролиферация, апоптоз жараёнларини бошқарадиган генлар, шунингдек, геном барқарорлигини таъминлайдиган бошқа генлар кириши мумкин. Бироқ, фақатгина иммун тизими (ИТ) томонидан амалга ошириладиган хужайрадан ташқари назоратни енгиб ўтган тақдирдагина, ўсма тараққиёт қилади ва организмни йўқ қилиш даражасига етиши мумкин. Бу жараёнга ўсманинг микроатрофермент муҳити – строма ва иммун тизими хужайралари ҳам фаол жалб этилади.

Ўсма ўсишини ингибиция қилишга олиб келадиган бундай ўзгаришларини индукция қилишга қодир омиллар сифатида кимётерапия қўлланилиб келинмоқда.

Кимётерапия таъсирида лимфоид органларда қуйидаги морфологик ўзгаришлар кузатилади:

- Айрисимон безда – кортикал қатламнинг инволюцияси, лимфоцитлар апоптози кучайиши, эпителиоретикулоцитларда дистрофик ўзгаришлар;
- Талоқда – оқ пулпа атрофияси, лимфоид фолликуллар сонининг камайиши, қон томирлар деворидаги склеротик ўзгаришлар;
- Лимфа тугунларида – герминатив марказлар фаолияти пасайиши, лимфобластлар пролиферациясининг сусайиши ва ретикулостроманинг деструктив ўзгаришлари.

Шунингдек, кимётерапия жараёнида гумораль ва хужайравий иммунитетдаги дисбаланс кузатилади: В-лимфоцитлар ва плазматик хужайралар сонининг камайиши,

T-хелпер ва Т-супрессорлар нисбатидаги ўзгаришлар организмнинг иммун жавобини издан чиқаради.

Хулоса. Юзага келган морфологик ўзгаришлар иммун тизимнинг реактивлигини пасайтиб, беморларда инфекция асоратлари, ремиссия кечикиши ва умумий прогнознинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Шу боис, кимётерапиянинг салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида иммуномодулятор препаратлар, нутритив қўллаб-қувватлаш, реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш ва табиий биокоррекция олиб бориш кимётерапия асоратларини бартараф қилувчи самарали усуллардан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Стахеева М.Н., Эйдензон Д., Слонимская Е.М. и др. Взаимосвязь состояния иммунной системы как интегрированного целого с клиническим течением рака молочной железы // Сибирский онкологический журнал. 2011. № 2 (44). С. 11–19.
2. Asadullah K., Sterry W., Volk H.D. Interleukin-10 therapy – review of a new approach // Pharmacol. Rev. 2003. Vol. 55 (2). P. 241–269.
3. Bacacs T., Mehrishi J.N. Breast and other cancer dormancy as a therapeutic endpoint: speculative recombinant T cell receptor ligand (RTL) adjuvant therapy worth considering? // BMC Cancer. 2010. Vol. 10. P. 251–256. 11. Beasley G.M., Olson J.A. Jr. What’s new in neoadjuvant therapy for breast cancer? // Adv. Surg. 2010. Vol. 44. P. 199–228.
4. Swann J.B., Smyth M.J. Immune surveillance of tumors // J Clin Invest. – 2007. – Vol. 117, No. 5. – P. 1137–1146.
5. Rezaei N., Hedayat M., Aghamohammadi A., Nichols K.E. Primary immunodeficiency diseases associated with increased susceptibility to viral infections and malignancies // J Allergy Clin Immunol. – 2011. – Vol. 127, No. 6. – P. 1329–1341.
6. Engels E.A., Pfeiffer R.M., Fraumeni J.F. Jr. et al. Spectrum of cancer risk among US solid organ transplant recipients // JAMA. – 2011. – Vol. 306, No. 17. – P. 1891–1901.
7. Teng M.W., Galon J., Fridman W.H., Smyth M.J. From mice to humans: developments in cancer immunoediting // J Clin Invest. – 2015. – Vol. 125, No. 9. – P. 3338–3346.
8. Gubin M.M., Artyomov M.N., Mardis E.R., Schreiber R.D. Tumor neoantigens: building a framework for personalized cancer immunotherapy // J Clin Invest. – 2015. – Vol. 125, No. 9. – P. 3413–3421.